

Адабиётлар рўйхати:

1. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/Монография. – Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2013.
2. Педагогика назарияси / ОТМ учун дарслер. Муал.: М.Х. Тоҳтаходжаева ва бошқалар. Проф. М.Х. Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Iqtisod-mo‘iya», 2010..
3. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Иноғомова Д. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012.
4. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008.
5. Усмонбоева, А.Тўраев, Креатив педагогика асослари. Ўқув-услубий мажмуя. -ТДПУ, 2016

УДК 371

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**
доцент Арипова Насиба Атхамовна (ТАҚУ)

Аннотация: Мақолада олий таълимда мустақил таълимни ташкил этишида инновацион, педагогик технология ва интерфаол ўқитиши жараёнининг мазмун - моҳияти, педагогик технология доирасидаги ёндошувларни, қурилиши фанларига оид мавзуларда мустақил таълимни ургатиши технологияси, интерфаол ўқитиши усулларини қўлланилиши хақида баён этилган.

Аннотация: В статье описано содержание инновационной, педагогической технологии и интерактивного процесса обучения при организации самостоятельного образования в высшей школе, подходы в рамках педагогической технологии, технология преподавания самостоятельного образования по темам, связанным со строительными науками, а также использование интерактивных технологий. методы обучения.

Abstract: The article describes the content of innovative, pedagogical technology and interactive learning process in the organization of independent education in higher education, approaches within the framework of pedagogical technology, technology of teaching independent education on topics related to construction sciences, as well as the use of interactive technologies. teaching methods.

Калим сўзлар: мустақил таълим, инновацион технология, ижодий фаоллик, меъёрий-хукуқий актлар, ўқув-билиш фаолияти.

Ключевые слова: независимое образование, инновационные технологии, творческая активность, нормативно-правовые акты, учебно-образовательная деятельность.

Key words: independent education, innovative technology, creative activity, regulatory and legal acts, educational activity.

Ҳозирги даврда таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялашда педагогларнинг масъулиятини ошириш зарур. Мустақил таълим талаба ва педагогнинг манфаати учун олиб борилишини тушуниши керак. Талаба бажараётган мустақил иш педагоги учун эмас, балки ўзи учун, унинг келажақдаги муваффакиятини таъминлашининг асосий омили эканлигини тушуниши керак. Талаба олаётган билим натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур. Ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли сўзсиз катта. Педагогдан тайёр маълумот олгандан кўра мустақил фаолият жараёнида олган билимни ўзлаштириш нисбатан анча яхши натижа беради.

Ҳозирги даврда таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий

ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялашда педагогларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Талаба ва педагог мустақил таълим уларнинг манфаати учун олиб борилишини тушуниши керак. Талаба бажараётган мустақил иш педагоги учун эмас, балки ўзи учун, унинг келажақдаги муваффақиятини таъминлашининг асосий омили эканлигини тушуниши керак. Талаба олаётган билим натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур.

Мустақил таълимни фаоллаштирумасдан олий таълимда талабаларни самарали ўқитишни кўз олдимизга келтириш қийин. Ҳозирги давр мутахассисидан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун кўп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади.

Ҳозирги замон талабига жавоб берса оладиган мутахассислар тайёрлаш учун ўқув жараёнини ташкил этишни жиддий равишда ўзгартириш керак, яъни аудитория соати, пассив маъруза машғулотлар улушкини камайтириш ҳисобига талабаларнинг мустақил ишлари салмоғини ошириш зарур.

Талабаларнинг таълим олишда анъанавий ўқитиш усулидан мустақил фаолиятига катта эътибор бериб бориш асосий етакчи ғоядир. Мустақил таълим талабаларга билим беришда бу талабани ўз ҳолига ташлаб қўйиш эмас, балки педагог томонидан мунтазам бошқариладиган талабаларнинг мустақил фаолиятидир.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳар бир педагог фақатгина ўзининг фанини асосий деб ҳисобламасдан, талабанинг мустақил таълимга ажратилган вақти ўқув режадаги барча фанлар учун ажратилганлигини эсдан чиқармаслиги керак, акс ҳолда талабаларга керагидан ортиқ берилган вазифа мустақил таълимдан кузатилган ижобий натижа ўрнига, аксинча салбий натижага олиб келиши мумкин.

Талабаларнинг мустақил таълимидан асосий мақсадлар қуидагилардан иборатдир:

1. янги билим олиш усулларини эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
2. аудиториядаги машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш;
3. меъёрий-хуқуқий актлар, маълумотлар ва маҳсус адабиётлар билан ишлашни ўрганиш;
4. ўқув материалларини мустақил ўрганиш;
5. фаоллиги, билим орттириши, ижодий ташаббуси, масъулияти ва тартиблигини ривожлантириш;
6. олган билимларини амалиётда қўллай олишни шакллантириш;
7. мустақил фикр юритиш, ўз-ўзини ўстириш, ўзининг режасини амалга оширишни шакллантириш;
8. тадқиқот қила олиш қобилиятини ривожлантириш.

Албатта, талабаларнинг мустақил билим олишини йўлга қўйиш натижасида дарс жараёни самарадорлигини ошириш ва таълим сифатини кўтариш ўқитувчининг асосий вазифларидан бири ҳисобланиб, унинг таълим бериш жараёнини тўғри ташкил эта олишига боғлиқдир.

Талабаларнинг ўқув малакалари ўқув материаллари билан мустақил ишлаш жараёнида ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, ўқув малакалари ўқув материалини қабул қилиш, қайта ишлаш, унинг муҳим жиҳатларини ажратиш, янги ўзлаштирган билимларни аввалгилари билан боғлаш, ўқув билимларини умумлаштириш, тақорлаш ва уларни амалда тадбиқ қилган ҳолда масалалар ҳал қилишда эгалланади. Шундай қилиб, ўқув малакалари талабаларнинг таълим жараёнидаги барча ўқув - билиш фаолиятлари билан боғлиқдир.

Үқув жараёни давомида маъруза машғулотларини ўтишда кўпгина педагогларимиз “Қандай методдан фойдаланиш мумкин?” деган муаммога дуч келишади. Кўп ҳолларда бу муаммо маъруза методидан фойдаланган ҳолда ечилади. Дарс жараёнида таълим методларини танлаш мавзунинг мазмунига боғлиқ бўлади ва ўзига хос мазмунини баён қилиш таҳнологияси танланади, бунда талабаларнинг психологияк тайёргарликлари, билимларни ўзлаштириш ва фикрлаш даражалари, ҳар хил таълим босқичи учун мос методлари ҳисобга олинади. ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълимда мустақил таълимни ташкил этишда интерфаол технологиялардан фойдаланиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ. 2006 й.
- 2.Мадярова С. А. ва бошқ. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.- Т.:ИҚТИСОД-МОЛИЯ,2009
- 3.Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар.-Т.:“Молия”, 2013 й.
- 4.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном протессе.-М.: Знание.
- 5.Питюков В.Ю. Основи педагогической технологии. - М.: Гном-Пресс,2020